

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ МАДАНИЙ МАЗМУНИ

Холиқова Мухайё Давлатжон қизи

ФарДУ таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим) магистри

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна

ФарДУ доценти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фразеологик бирликларнинг маданий мазмуни маданий кодлар билан боғлиқлиги мисоллар орқали ифодаланган.

Калит сўзлар: маданий кодлар, фразеологик бирликлар, прагматик хусусият

Abstract: In this article, the cultural content of phraseological units is related to cultural codes through examples.

Keywords: cultural codes, phraseological units, pragmatic feature.

Ҳаётимиздаги фразеологик бирликларнинг маданий мазмуни маданий кодлар билан боғлиқ. Маданий кодлар – бу “олам аллақачон маданий маънога эга бўлган ва шунинг учун фразеологик бирлик қиёфасини маданий тушуниш учун манба материали бўлиб хизмат қиладиган воқелиқдир”¹. Масалан, оддий объектлар (варақ, қалам, ручка ва бошқалар) маданий кодни ташкил эта олмайди, булар ишлов берилмаган объектлардир. Х.М.Марипованинг “Ҳарбий фразеологик бирликларнинг прагматик хусусиятлари (немис тили материаллари мисолида)” номли тадқиқотида фразеологик бирликларнинг маданий мазмуни хусусида фикрлар баён этилган. Хусусан, унда маданий кодлар (масалан, табиат, инсон, вақт ва бошқалар) маълум бир хусусиятга эга абстракция, турли хоссаларни, белгиларни ва, энг муҳими, шартли белгини бирлаштириши, айни пайтда, маълум бир маданий шахснинг белгиси ҳамдир. “Лингвомаданий кодлар доирасига антропик код, соматик код, зооморфик код, натурал код, вақтинчалик код, табиий ландшафт каби кодлар қиради”. Албатта, миллий маданиятда рамзлар ва маданий кодлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар ёрдамида атрофдаги воқелиқ объектлари номланади, ички ва ташқи дунёни тушуниш имконини

¹ Степанов Е.А. Языковая картина мира военной сферы (лингвокультурологический и терминологический аспекты); Дис. ... канд. филол. Наук. – М., 2012. – 197 с.

беради. Фразеологик бирликлар 1) антропоморфик (антропик) код; 2) квантитатив (микдорий) код; 3) объектив код каби лингвомаданий кодлар асосида таҳлил қилинади. Ушбу маданий кодларнинг ҳар бири ўз ичида таркибий (суб) кодларга бўлинади. Антропик код “халқлар”, “тарихий шахсларнинг исмлари”, “соматизмлар” ва “ҳарбий қисмлар” субкодларига эга. “Халқлар” доирасидаги субкодда халқлар ва қабилалар стереотипик образлар сифатида ҳаракат қилишлари, шунингдек, шахсни тавсифлаш, унинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари, хусусиятларини сўз билан ифодалаш учун ишлатилиши аниқланди. Маданий код доирасида мўғил сўзи талончилик, вайронгарчилик, кўркув стереотипларини намоён этади ва “Жўжи келди – бўжи келди” тарзидаги турғун ифодалар ана шунга далолатдир. “Соматизмлар” (бу фразеологик бирлик таркибидаги инсон тана структураси элементлари – қўл, оёқ, юрак, қон ва бошқа номинативлар) субкодидаги “қон” компоненти, Д.Б.Гудков сўзларига кўра, “ҳаётий куч ва ҳаётий энергия тушунчаси”дир¹. Маданий коннотацияда “қон” тушунчаси ҳаёт кучини англатади, уни йўқотиш ўлим белгисидир: қон ютмоқ; қўли қонга бўялмоқ; жон бермоқ каби. Ўзбек тилида “қон” компонентли қуйидаги иборалар мавжуд: *юраги қон бўлмоқ/қонга тўлмоқ; қон бўлмоқ; қон(и)ни қайнатмоқ; қон ютмоқ*. Мисоллардан кўринадикки, ўзбек тилидаги “қон” компоненти билан шаклланган фразеологик бирликларнинг катта қисми инсоннинг ички эмоционал ҳолатини ифодалайди. Фразеологик бирликларда қон тасвири қурбонлик ва ўлим сингари мажозий маъноларга эга. Фразема таркибида *қон* компоненти нафақат қирғин ва ўлимни, балки фидойиликни ҳам ифода этади. Квантитатив лингвомаданий код микдорий мазмундаги тушунчалар мажмуаси (микдор, сон, тўплам, кўплик ва бошқалар) ҳақидаги ғояларни амалга оширадиган мантиқий-семантик категориядир. Объектив-лингвомаданий код эса инсоний объект муҳитининг тасвирларини ифодалайди ва кўплаб субкодларни ўз ичига олади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуроллар ва уларнинг аксессуарлари маданий код сифатида муайян субкодларни ташкил этади. Бу субкодлар халқ тарихи, дунёқараши ва тил жамоаси хотираси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Айрим субкодларда ҳаракатдан ҳиссиётга ўтиш ҳолатлари кузатилади

¹ Гудков Д.Б. Единицы кодов культуры: проблемы семантики // Язык, сознание, коммуникация / отв. ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2006. – Вып. 26. – С.39-50.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI: (REFERENCES)

1. D Yuldasheva, G Abdumuminova. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda nutq madaniyatini shakllantirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning pedagogik asoslari. *Центральноазиатский журнал образования и инноваций* 2 (3 Part 2), 8-11
2. Yuldasheva D.M. **Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Children. Solid State Technology. Volume: 63 Issue:6 Publication Year:2020. 14221-14225**
3. Yuldasheva D.M. **Anthropocentric Approach To Children's Speech Study. Section 2: Linguistic Theory, Applied Linguistics. Collection Of Materials Of The International Online Conference. Wwww.Research-Support-Senter.Som 2020.92-95**
4. Yuldasheva D.M. **The Methods Of Speech Development Of Preschool Children. Epra International Journal Of Multidisciplinary Research(Ijmr). Impact Factor: 7.6.11. November.**
5. Юлдашева Д.М. [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ зоонимов в колыбельной песне-«алла», как аспект этнолингвистики.](http://cyberleninka.ru) cyberleninka.ru
6. D Yuldasheva. [Anthropocentric approach to children's speech study.](#) Конференции.